

Нега дунёда шунча зулм бўлмоқда?



17:01 / 06.11.2018 4141

Савол: *Худо мавжуд бўлса, нега дунёда бегуноҳ инсонларга шунча зулм бўлмоқда? Африка қитъаси давлатларида норасида гўдаклар нега очликдан ўлмоқда?*

Жавоб: **1.** Аллоҳ таоло бу коинотнинг Моликидир, ўзи истаганича тасарруф қилади.

2. Аллоҳ бу дунёни имтиҳон ўлароқ яратди ва яхшилик ва ёмонлик қилишда инсонларга ихтиёр берди. Имтиҳон тақозосига кўра, уларга амалларда эркинлик ато этди. Яхшилик ва ёмонликлар қайд қилиниб, охирада ҳисоб-китоб бўлади. Натижада, имтиҳондан яхши ўтган жаннатга, ўтолмаган дўзахга киради.

3. Бегуноҳ одамларга зулм қилинишида эса кўп ҳикматлар бор. Масалан, улар Худонинг амрига итоатсизлик қилиб, жазога мустаҳиқ бўлганлари эҳтимолдир, бу зулмлар улар учун огоҳлантириш вазифасини ўтайди. Баъзи ҳолларда бандалар ўзлари бирлашиб зулмга қарши чора кўришлари керак бўлади. Шундай қилишмаса, мазлумликларича қолаверадилар.

4. Бу зулм ўша мазлум кишилар учун имтиҳондир. Имтиҳон ҳар кишининг тоқати ва салоҳиятига қараб турлича бўлади. Зулмларга қарамай, Аллоҳнинг аҳкомларига амал қилинаверилса, имтиҳондан яхши ўтилган бўлади.

5. Бегуноҳ ўлаётган болалар учун имтиҳон тугаган бўлади. Ўлим – имтиҳоннинг якуни топиши ва имтиҳон хонасидан чиқишдир. Балоғатга етмаган гўдаклар учун ҳисоб-китоб бўлмайди.

“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан